
РИШТОН ТУМАНИДА “ХУНАРМАНДЛАР МАРКАЗЛАРИ” БАРПО ЭТИШГА КИРИШИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Риштон туманида бўлиб, “Қалайнав” МФЙ ҳудудида барпо этишга киришилган Хунармандлар маркази биносига биринчи ғишт қўйиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4-5 февраль куни вилоятимизга ташрифлари чоғида берган кўрсатма ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 23 мартдаги “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5033-сон қарори ижроси доирасида барпо этилаётган ушбу мажмуа, Риштон туманида 2021-2022 йилларда қуриб битказиладиган тўртта янги Хунармандлар марказининг бири бўлади.

0,80 гектар майдонда қад ростлаётган 3 қаватли Хунармандлар марказининг лойиҳа қиймати 22,4 млрд. сўмни ташкил қилади. 16 та хунармандлар хонадонини ўз ичига оладиган марказ лойиҳаси учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан имтиёзли кредит ажратилган.

Вилоят раҳбари шунингдек, “Оқ-ер” МФЙда жойлашган Риштон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми ҳудудидаги 0,50 гектар майдонда барпо этишга киришилаётган Хунармандлар маркази иншооти бошланишига бағишланган тадбирда ҳам иштирок этди.

“Қалайнав” ва “Оқ-ер” МФЙ ҳудудларидаги ушбу икки марказ жорий йил фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, келгуси йилга қадар туманнинг “Уч-Ариқ” ва “Тура обод” МФЙ ҳудудларида ҳам мана шундай ихтисослаштирилган Хунармандчилик мажмуалари қад ростлайди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-06-01 16:11:09